

МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАТСИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗАЛАР

1 – Мавзу: Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологияси (МЎИТ) курсининг мақсад ва вазифалари

Режа

1. МЎИТ курсининг мақсади ва вазифалари ҳамда моҳияти
2. МЎИТ фанининг тарихий илдизлари (Ал-Фаробий, ибн Сино ва бошқ)
3. МЎИТ фанининг бошқа фанлар билан алоқаси
4. МЎИТ курсининг асосий тушунчалари ва тарбиявий аҳамияти.
5. Хулоса

Таянч иборалар:

1. Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологияси фани (МЎИТ) нинг вужудга келиши.
2. Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологиясининг шаклланиши ва уларнинг ривожланиши.
3. Ўқитувчилик касбининг қадимийлиги, кекса авлод ва ёш авлод ҳақида тушунчалари.
4. «Авесто» да Шарқ халқларининг маданий ва ахлоқий тарбиявий қарашлари.
5. Шарқ мутафаккирлари Ал – Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг педагогик қарашлари ва ўқитувчилик фаолиятига талаблари

Жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти ошган сари ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш иши ҳам тобора кенгайиб ва мураккаблашиб боради. Илмий билимларнинг тўпланиб бориши эса ўз навбатида ўқув предметлари ва уларнинг мазмуни ўзгаришига олиб келади. Шу сабабларга кўра таълим мақсадини, мазмунини ва методларини илмий асослаш заминида мусиқий педагогиканинг муҳим тармоғи ўқув предметларининг методикасини яратиш зарурати туғилади. Ўқув предметининг методикаси – таълимнинг умумий қонуниятларини ҳамда айрим хусусиятларини ўрганадиган фандир.

Маълумки, барча методлар таълимнинг умумий назарияси бўлган дидактикага асосланади. Айрим фанларни ўргатиш методикасининг асосий вазифалари – ўргатишнинг қонуниятларини очиш, мазмунини,

метод ва шакллари аниқлаш бўлиб, айти пайтда у тарбиялаш ишини ҳам ўз ичига олади.

Янги инсонни шакллантириш масаласининг кўп қиррали ва мураккаблиги педагогик маҳорат муаммосининг ҳозирги замон тарбия назарияси ва практикаси учун муҳимлигини кўрсатиб беради. Чунки ҳамма вақт инсонни ҳар томонлама мукамал тарбиялаш, унинг келажагини белгилаш борасида тарбиячи педагог маҳорати, унинг етуклиги, чуқур касбий билими, кўникма ва малакаси, махсус билим, тажрибасиз эришиб бўлмайди.

Айниқса ўқувчи эҳтиёжи ва эътиқодини, унинг қобилияти ва амалий кўникмаларини маҳоратли педагогсиз шакллантириш мумкин эмас.

Бу борада таълим муассасалари – мактаблар учун моҳир педагоглар жуда зарур. Педагогик маҳорат барча ўқув – тарбиявий фаолиятнинг энг қулай йўллари белгилайди, шахснинг барча томонларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга мақсадли йўналтириш, унинг дунёқарашини, эҳтиёжини, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятини шакллантириш учун махсус касбий билим кўникма зарур.

Педагогика шундай универсал ва ўта кучли таъсир воситаларига эга бўлиши керакки, ундан қувват олган тарбияланувчи ҳар қандай салбий, ҳатто ўта кучли ёмон таъсирга тушиб қолганида ҳам ушанинг таъсиридан чиқиб кета олсин.

Ҳозирги мусиқий педагогик йўналиши, ҳаммадан аввал, бўлажак педагог мутахассисларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун етарли шароит белгилаб бериш керакки, натижада ўша мутахассисни чуқур илмий, касбий – педагогик тайёргарликка эга бўлишга ундайди.

Худди шу мақсадда биринчи бор Республикамизнинг барча олий ўқув юртларидаги ўқув режасига кўра, Педагогик маҳорат курси ташкил этилди. Албатта бунгача ушбу муаммо бўйича шуғулланган чет эллардаги таниқли педагоглардан В.А.Сластенин, А.И. Пискунов, А.П.Петровский, В.К. Розов, Л.Ф. Спирин ва бошқаларнинг ишларини айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг асарларида педагогик маҳоратни шакллантириш йўллари ҳақида фикр юритилади.

Умуман олганда, психологик – педагогик фанлар тизимида ва амалиётда жуда катта тажриба, билимлар манбаи, тавсиялар тўпланган бўлиб, булар ўқитувчиларга, бўлғуси педагогларга маълум система ҳолида етиб бориши, уларнинг ижодий имкониятлари ривожига таъсир этиши керак, лекин мавжуд педагогик – психологик ва методика бўйича дарсликларда педагогик маҳорат асослари масаласига ҳам эътибор берилган.

Бу эса ана шундай билимларни – системалаштирилган ва айтиқса олий маълумотли педагогларни тайёрлаш учун зарур бўлган қўлланмалар яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Ана шундай яхлит тарзда яратилган қўлланма фақат биргина И.А.Зязюн раҳбарлигида

Москвада, 1989 йилда нашр этилган «Основа педагогического мастерства» номли ўқув қўлланмаси холос.

Ушбу қўлланма муаллифларининг тавсиясига кўра, шу курсдан дарс берадиган педагог учун талабаларнинг бўлажак касбий тайёргарлик даражасига ажратилган соатлар ва бошқа шароитлар ҳисобга олиниб, турли вариантлар бўйича дарс ташкил этиш мумкин деб таклиф этадилар. Шунга кўра ушбу курсни ўрганишда қуйидаги мавзуларга эътиборни қаратишни муҳим деб билдик.

Ҳозирги замон ўзлуксиз таълим тизимида, бўлажак мутахассисларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиш, чуқур илмий, касбий педагогик тайёргарликка эришишга имкон яратишини назарда тутади.

Психологик – педагогик фанлар тизимида бу масалага маълум даражада эътибор берилган бўлсада, лекин Республикамизда яхлит бир система тарзида ўрганилиб, талабалар кенг қўллаш учун қўлланма, дарслик ишлаб чиқилмаган эди.

Педагогик маҳорат дарслари учун бир нечта ўқув – услубий қўлланмалар мавжуд бўлиб, албатта биз улардан дарс жараёналарида фойдаланиб келяпмиз, лекин, мусиқа педагогикасида, мусиқий таълимда дарс беришнинг инновацион технологиялари тўғрисида услубий қўлланмалар етарли даражада эмас деб ўйлаймиз. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Тошкет давлат педагогика университети профессор – ўқитувчилари томонидан яъни дос. Д.А.Каримованинг «Мусиқа педагогикасида инновацион технологиялар» фанидан ишлаб чиқилган маъруза матнидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу мақсадда биз ўрганмоқчи бўлган «Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологияси» (МУИТ) курси таълим ва тарбиявий ишларнинг асосий малакаларини ҳосил қилишга : мусиқий педагогик муомала, нутқ педагогикаси, педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш, педагогик – психик ҳолатини мустақил тартибга солиб туриш, педагогик таъсир кўрсатиш драматургияси ва режиссураси, фикрлаш маданияти, ўқувчилар билан муомала маданияти, хулқини, ўз – ўзини бошқариш маданияти, турли педагогик тренинглар ва уларнинг элементларини шакллантириш ва бошқаларга қаратилган.

Бўлғуси мутахассис мусиқий педагогик маҳорат қирраларини мукамал билиши, дарс жараёнида инновацион технологиялардан, таълим технологиялари сирларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши учун зарур бўлган малака ва кўникмаларни шакллантириш борасида етакчи ва моҳир ўқитувчилар педагогик тажрибаларини ўрганишлари зарур.

Азалдан Шарқ, жумладан, миллий мусиқий таълим – тарбия педагогикаси ва унинг мукамал ривожланиши, устоз – шогирд аънаналари мисолида такомиллашиб борган, Давлат таълим стандартларида, оммавий халқ мусиқа педагогикаси, профессионал мусиқа ижодкорлари, мусиқа ижрочилари (созанда, хонандалар) катта

ашулачилар, мақомчилар, дostonчилар асарларининг элементар асосларини ўрганиш меъёрлаштирилган.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мусиқа тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқа тарбиясининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар. Абу Наср Муҳаммад ал – Форобийнинг (873 – 950) **“Мусиқа ҳақида катта китоб”** (**“Китоб ал – мусиқа ал – кабир”**) да устоз – шогирд анъаналарига хос услубда мусиқий тарбия беришда устозларнинг тарбиявий маҳоратлари тўғрисида қимматли мулоҳазалар келтирилган, Абу Али ибн Синонинг (980 – 1037) **“Даволаш китоби”** (**“Китоб ум – шифо”**) қомусидаги **“Мусиқа ҳақида рисола”** сида, мусиқа тарбиясига оид бир қанча керакли ҳикматлар келтирилган, ҳатто мусиқа тарбияси орқали инсон ички ҳис – туйғуларини идрок этишлари тўғрисида фикр билдирган. Ал Хоразмийнинг X аср **“Билимлар калити”**, Сафиуддин Урмавийнинг (1216 – 1294) **“Олийжаноблик ҳақида китоб”** ёки **“Шарафия китоби”**, Абдурахмон Жомийнинг (1414 – 1492) **“Мусиқа ҳақида рисола”** китобларида мусиқа тарбияси, чолғу ижрочилиги ва ҳалқ чолғу асбоблари ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Сафиуддин Урмавий машҳур мусикашунос олим, истедодли уд чолғучиси, машҳур хонанда, унинг энг катта ютуғи **“Модиус”** ладнинг мукаммал йўналишларини ишлаб чиққанлигидир. Ибн Зайлнинг VI – аср **“Мусиқа ҳақида тўлиқ китоби”**, **“Китоб ул – каби фил – мусиқий”** унинг мусиқа илмидаги ягона ва бебаҳо китобдир. У янги усулни, мусикада ладларни ҳарфлар билан ифодалаш усулини ишлаб чиқди. Абдуқодир Мароғий XV аср, **“Мусиқа илмида оҳанглар тўплами”** (**“Жами ал – алҳон фи – илм ал – мусиқий ”**) рисоласида мусиқа ҳақидаги таълимотни камонча, етти торли ғижжак каби бир турдаги мусиқа чолғулари борлиги ҳақидаги маълумотлар билан бойитди.

Ал – Ҳусайн XV – аср асосан Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган торли мусиқа асбоби дутор ҳақида маълумот берган.

Умуман олганда, бўлғуси матахассис мусиқий педагогик маҳорат қиррилари мукаммал билиши, бу борада етакчи ва моҳир ўқитувчилар педагогик тажрибаларини ўрганишлари зарур.

Назорат учун саволлар:

1. Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологияси фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. МЎИТ фанини тарбиявий аҳамияти нимада?
3. Ал – Форобийнинг қайси китобида мусиқий тарбия тўғрисида фикр юритилган?
4. Мусиқий педагогик маҳорат деганда нимани тушунаси?
5. МЎИТ фани қайси фанлар билан боғлиқлигини айтинг

Фойдаланилган адабиётлар:

Азизхўжаев Н.	«Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат»
Акбаров И	«Муסיқа луғати»
Ишмухаммедов Р.Ж	«Инновасион технологиялар» ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари
Каримова Д	«Муסיқий педагогик маҳорат асослари»
Мавлонова ва бошқ.	«Педагогика»

2 – Мавзу: Муסיқа ўқитиш дарсларида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муомала маданияти

Режа:

1. Талабаларга муомала санъатини ўргатиш
2. (МЎИТ) ни ўрганишда ўқитувчининг муомаласи
3. (МЎИТ) дарсларида педагогик хусусиятлар
4. Ижро сифатини яхшилаш усуллари ва услублари
5. Дарсда педагогик технологиялардан фойдаланиш
6. Хулоса

Таянч иборалар:

- 1.Талабаларда муомала санъати ҳақида тушунча ҳосил қилиш,
- 2.Бўлажак муסיқа ўқитувчиларини , педагогик маҳоратга тайёрлаш.
- 3.Талабаларни янги педагогик технологияларни қўллашга ўргатишда суҳбат методлари
- 4.Таълим усуллардан фойдаланишни шакллантириш
- 5.Талабаларда янги педагогик технологиядан самарали фойдаланиш йўллари ривожлантириш.

Ўрта мактаб муסיқа маданияти дарсларида, муסיқа ўқитувчиси ва мактаб ўқувчилари ўртасида муомала маданиятини шакллантириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Педагогик муомала муסיқий педагогик маҳоратнинг шаклланишида энг муҳим воситалардан бири бўлиб, у педагогик фаолиятнинг асосий

куроли ҳисобланади. Қатор педагог ва психолог олимлар бу соҳада олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси уларок, муомала ўқитувчи фаолиятида катта аҳамият касб этишини исботлаганлар.

Педагогик мулоқот ўқитувчи ва ўқувчиларда дарс пайти ва дарсдан ташқари вақтларда:

- 1) қулай психологик муҳитни яратиш воситаси сифатида;
- 2) ўқитувчи билан ўқувчиларнинг бевосита муомаласини педагогик таъсир кўрсатишининг ўзига хос усули сифатида ҳам қўллашни тақозо этади.

- 3) Мусиқий атамалар (терминлар) ни тўғри талаффуз қила билиш, ўқувчилардан катта маҳорат талаб қилади.

Муомала – ахборот жараёнидир. Ахборот икки йўналишда: бошқариш субъектидан (педагогдан) бошқариш объектида (ўқувчиларга) боради ва аксинча, объектдан субъектга борадиган воситадир. Педагог тарбияланувчилар, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ҳар – хил ахборотларга эга бўлади. Ўз навбатида, педагогик муомала жараёнида тарбияланувчиларга мақсадга қаратилган ҳамда ҳар бир шахс ҳаётига кириб борадиган ахборотларни маълум қилади.

Педагог муомала орқали қандай ахборот олишини қараб чиқар эканмиз, ўқувчининг шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бевосита муомала шахснинг хилма – хил шароитларда ва кўринишларда ўрганишга имкон беради. У шахснинг хулқ – атворида намоён бўладиган ёрқин ва энг таъсирчан, ташқи белгиларини қайд этиш билангина кифояланмайди.

Педгог ўқувчилар билан муомала қилар экан, жуда майда деталларни ҳам англаб олишга қодир бўлади, бу деталлар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмай шахсдан содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатлари бўлиши ҳам мумкин.

Бу ҳол шахсни чуқур тушуниш имконини бериб, ташқи қатлам остида бошқа усуллар билан аниқлаб бўлмайдиган нарсаларни топиш имконини беради. Болалар билан бевосита муомала, педагог жамоадаги ёки айрим ўқувчилардаги бирон бир воқеанинг ривожланиш жараёнида ўрганиш зарур бўлганда рўй бераётган ҳодисалар жараёнларнинг сабаб – оқибат алоқаларини пайқаб олишдан, уларнинг тузилиши, пайдо бўлиши ва ривожланишини кузатиш, бундан ташқари, бу ҳодисалар ва жараёнларнинг янада такомиллашуви тўғри келаётганлигини маълум даражада олдиндан айтиб бериш керак бўлганда ҳам зарурдир.

Айни бир хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан зухур қилинишидаги фарқ – у шахснинг ўтмишдаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади. Бундай тажрибанинг уч жиҳати бор:

- умуман, ҳаётий тажриба ;
- педагогик фаолият тажрибаси;

– муайян жамоа билан, ўқувчилар билан муомалада бўлиш тажрибаси.

1. Педагогнинг бошқа кишилар билан муомалада бўлиш тажрибаси, бу

тажрибанинг бойлиги ва мунтазамлиги даражаси, педагог ўзи шахс сифатида қай даражада шаклланганлиги, унинг воқеяликни қай даражада идрок этишига ва олинган ахборотга баҳо беришга қодирлигини аниқлаб беради.

2. Иккинчи томондан, педагог фаолияти кучини ўзи дуч келадиган ҳодисаларини таҳлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитади. Бу эса шериклари аҳволини фаҳмлаб олиш ва улар ҳақида ҳукм юритиш қобилиятини оширади.

3. Ниҳоят, педагогнинг ўқувчилар билан муомаласи шунга олиб келадикки, у ўқувчиларнинг ҳатти – ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабларни турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида у ўзи тез – тез келтирган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ – атворларидан фойдаланади. Педагогик муомала ижтимоий – рухий жараён сифатида шахснинг билиши ахборотлар алмашиш, фаолиятни ташкил этиш, ўз – ўзини англаш, рол алмашиш каби вазифаларни бажаради, бу вазифаларни билиш ва ўрганиш ёш мутахассислар учун дарс пайтида ва дарсдан ташқари пайтларда муомала ягона жараён эканлигини англаб етишга имкон яратади.

Ўқитувчи дарсларни ривожлантириш асосида машғулот материалларини ўзлаштириш йўллариинигина эмас, балки, ўқувчининг ўзини англаши учун, ҳис – туйғуларини ифодалиши учун шароитлар яратишни ҳам ўйлайди. Энг аввало, ўқитувчи ёрдамга мўхтож ўқувчилар тақдири ҳақида қайғуради, улар билан ҳамкорлик йўллариини топади.

Муомалада муносабат ва ўзаро ҳаракат деб аталувчи томонларни кўрсатиш мумкин. Бу айсбергнинг сув ости ва сув усти қисмларига ўхшаш бўлиб, кўзга кўринувчи қисмида нутқий ва нутқсиз ҳаракатлар сиреясини, кўзга чалинмайдиган қисмида ҳаракатларга эҳтиёжлар мотивлари, қизиқишлар, ҳис – туйғуларини кўрсатиш мумкинлики, булар ҳаммаси бир бўлиб кишини муомалага ундайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, педагоглардаги билимларга нисбатан эмоционал ижобий муносабат, уларнинг ўқиши ва хулқида айрим камчиликларга нисбатан ишчан вазиятдаги тўғри муомала, хотиржамлик ва тенглик асосида муносабат ишонч туйғуларини шакллантирилади. Болаларга нисбатан салбий муносабат («Сенларнинг синфингдан тўйдим», «Донолик қиласану, лекин тўғри ёзолмайсан»), ўқитувчи позисиясидаги барқарорлик ўқувчилар ўртасида ишончсизликни тўлдиради, шунингдек, иккиюзламалик, хушомадгўйлик каби зарарли ҳисларни юзага келтиради. Буларнинг ҳаммаси бутун ўқув – тарбия жараёнида ўз изини қолдиради.

Мураббий ҳеч қачон ўқувчининг ғояси ўқитувчи шахсидан айри эмаслигини унутмаслиги даркор. Шундай қилиб, тадқиқотлар ўқитувчининг синф жамоасига нисбатан муносабатини урта асосий услубда:

- Барқарор ижодини;
- пассив ижобий;
- беқарор ижобий услубга ажратадилар.

А.А.Леонтев ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳақида хулоса чиқариб, «салбий» ва «беқарор» ўқитувчилар ўзларига нисбатан салбий муносабатни туғдирадилар. Улар мактабга қарши, жамиятга қарши фаолият кўрсатадилар, деб таъкидлайди.

Мутахассисларнинг ўқитиришича, ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро муносабатларида уч хил услуб кўзга ташланади.

1. Ахборот услуби.

Ўқитувчи ўқитиш билан бирга ўқув – тарбиявий ишларини якка ҳокимлик асосида ташкил этади ва амалга оширади. Ҳаракатнинг асосий шакллари – буйруқ, таъкидлаш, тавсиялар, ҳайфсан беришдан иборат.

2. Демократик услуб.

Бу раҳбарнинг жамоа фикрига таяниши асосида қурилади. У ўз фаолияти мақсадини ҳар бир ўқувчи онига етказишга, ҳаммани бирдек мақсадни амалга оширишга йўналтиради. Шу асосда муносабатларга ўзаро ишонч, ҳамкорлик туғилади, ўқувчиларда рағбат, ўз кучига ишонч, ўз – ўзини бошқариш шаклланади. Бундай ўқитувчилар вазифаларни тенг тақсимлайди. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олади. Фаолликни рағбатлантириб, ташаббусни ривожлантиради. Муносабатларни асосий усуллари – илтимос, маслаҳат, ўзаро ахборот алмашишдан иборат бўлади.

3. Либерал услуб.

Анархия ва ўзи бўларчиликка асосланган муносабатдир. Бундай раҳбар жамоа ҳаётига аралашмасликка, бетарафликка асосланади, турли маслаларни юзаки ҳал этади, бошқаларнинг таъсирига тез берилади.

Жавобгарликни ҳис қилмасликка ҳаракат қилади. Бундай ўқитувчилар ҳеч қандай обрўга эга булмайди. Ўқитувчининг болалар билан муомаласи муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унга педагогик қобилиятнинг мавжудлигига ва педагогик назокат (одоби) ни эгаллаганига боғлиқ бўлади.

Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида уларни ўқитиш ва болаларга таълим беришда юксак натижаларни қўлга киритиш шарти ҳисобланади.

Маълумки шахснинг у ёки бу қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва хусусиятлар орасида бир хиллари етакчи рол ўйнаса,

бошқалари ёрдамчи рол ўйнайди. Педагогик фаолиятда шахснинг ўзаро фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари етакчи рол ўйнайди. Биринчи навбатда, перстсептив, яъни идрок қилиш соҳасига тааллуқли хусусиятлар (улардан энг муҳимлари кузатувчанликдир) етакчи рол ўйнайди. Ўқитувчига ўқувчи психологиясини унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш, муайян ҳолда, умуман, синф жамоасининг аввалига хусусан мазкур педагог аҳволига тўғри баҳо бериш имконини беради. Ниҳоят ўқитувчи шахсининг фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятларнинг учинчи таркибий қисми деб ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган юксак ривожланган эъҳтиёжини ҳисоблаш мумкин. У билимларни бошқаларга беришга, болалар билан муомала қилишга интилишда, болалар жамоасини ташкил этиш истагида намоён бўлади.

Ўқитувчи ўз навбатида, ўқувчиларни улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни, ҳозирги дақиқада қандай бўлса, ҳудди шундай идрок этиш ва кўриш маҳоратини, яъни таълим – тарбия жараёнида рўй бераётган нарсаларни ичидан идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши лозим.

3 – Мавзу: Мусиқий таълимда педагогик маҳорат асослари курсининг асосий вазифалари

Режа

1. Мусиқий педагогик маҳорат фанини вужудга келиши.
2. Педагогик маҳоратнинг мақсад ва вазифалари ҳақида.
3. Янги педагогик технология таснифи.
4. Давлат таълим стандартлари ва дастурлари тубдан янгиланиши
5. Хулоса.

Таянч иборалар

1. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини , педагогик маҳоратга тайёрлаш.
2. Талабаларни янги педагогик технологияларни қўллашга ўргатиш
3. Таълим усуллардан фойдаланишни шакллантириш
4. Педагогик технологиялар тушунчаси ҳақида.

Ҳозирги кунда таълим тизимида « Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини мактаб амалиётига тадбиқ этишнинг якуний босқичи давом этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури « Таълим тўғрисида » ги Ўзбекистон Республикаси Қонун қоидаларига мувофиқ ҳолда

тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб – ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустақил равишда мулжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг йўқори сифат кўрсаткичини таъминлаш, таълим мазмунини Давлат таълим стандартлари асосида такомиллаштиришга киришилди. Барча ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандартларини ўқув жараёнида қўллаб ва ўқув йили якунида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар шу стандартларга мослигини аниқлаш бўйича мактаб, туман, шаҳар, республика даражасида мониторинг ишлари олиб борлмокда.

Миллий дастурда кўзда тутилгандек, замонавий ахборот технологиялари ва компютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормокда. Фан ва таълимнинг наشريёт беаги ривожланди. Ўқув – услубий, илмий, инновасион, замонавий технологиялар мукамаллашиб, ўқув жараёнига тадбиқ қилинипти.

Маълумки, дидактиканинг предмети ўргатиш, ўрганиш ҳамда таълим мазмуни ташкил қилади. Бунда иштирок этаётган учта компонент бир – бири билан ўзвий алоқада бўлиб, улардан бирортасини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда нимани (қайси мазмундаги ўқув материални) ўрганмоқчимиз ёки ўргатмоқчимиз, деган савол туғилади.

Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам уларнинг охириги натижаси ҳам таълим мазмунига боғлиқ.

Ҳар хил мазмундаги матнларни ўзига хос усуллар билан ўзлаштириш қабул қилинганлиги учун ўргатишнинг қандай бўлиши унинг мазмунидан келиб чиқади, бу эса ўрганишнинг ташкил этувчи, яъни ўргатувчига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, дидактик тафаккур бу – ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алоқалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демакдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади.

Шу боисдан ҳам, педагогик технология, дидактик технология, таълим технологияларига ўқув жараёнидаги энг самарала воситалар деб қаралмокда. Улардан дунё педагогик амалиётида кенг

фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда энг долзарб масала ва вазифа, таълим стандартларини ўқув жараёнига тадбиқ этишдан иборатдир.

Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим – тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари ҳал этилмай қолади.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур. Ана шуларни назарга тутган ҳолда, ушбу қўлланмада, ўқувчига билим беришда замонавий Мусиқий педагогик технологияларни қўллаш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш услубларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Таълим – тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятларини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияларга айланиб бормоқда. Худди шу каби, таълим – тарбия соҳасида ҳам сўнги йилларда Мусиқий педагогик технологиялар ҳам амал қила бошлади.

Педагогик технология тушунчаси XX — асрда пайдо бўлди ва турли ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда. Ўтган асрнинг 50 – йиллари ўртасидан 60 – йилларгача «таълим технологияси» атамаси қўлланилиб, бунда дастурлаштирилган таълим назарда тутилган, 70 – йилларда «педагогик технология» атамаси қўлланилиб, у аввалдан лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишни кафолатловчи ўқув жараёни ифодаланган.

80 – йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг компютерли ва ахборот технологияларини яратишга айтилган.

Педагогик технологиянинг турли хил таърифлари мавжуд бўлиб, улардан айримларини кўриб чиқамиз:

Технология – бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, услублар йиғиндиси ва унга ишлов бериш, ахволни ўзгартириш санъати, ижро маҳорати ҳамда қобилият ва методлар ишланмасидир.

Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир.

Таълим технологияси – дидактик тизимнинг таркибий жараёнли қисми ҳисобланади, ўқув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашини ва лойиҳалаш ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган, биргаликдаги педагогик фаолият модели. Бу технология – педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий ускунали ва

методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ҳамда уларнинг амал қилиш тартибини билдиради.

Педагогик технология – бу тизимли фикр юритиш усулини ўқувчилар онгига сингдириш, унинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни тадбиқ этишни ҳисобга олган таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, педагогик технология – бу жамият эҳтиёжидан келиб келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил қилувчилар, яъни ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида таъсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма – кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Педагогик технология – бу обектив, моддий жараён. Агар биз ўқув – тарбия жараёнидан унинг обектив, моддий жиҳатини ажрата олсак, шунда биз технологияга, энг камида, унинг тафсилотига эга бўламиз.

Педагогик технология – бу ўқитишга ўзига хос янгича ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий – муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

Педагогик технология – турли муаллифларнинг барча таърифлари мазмунини ўзида мужассам этувчи умумлаштиришдан иборат. Унинг ҳозирги кунда шундай турли – туман таърифлари мавжудлиги натижасида бу масаланинг ечимини қуйидагича ўзига хос усулда ҳал қилиш тўғрисида ҳам таклиф билдирилган. Бу тушунча кўп қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуқтаи назарлардан ёндашиш мумкин. Ҳозир таълим – тарбия соҳасидаги ривожланиб бораётган йўналишлардан бири – замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўлиб, уни амалга ошириш долзарб вазифалардандир. Маълумки, таълим — тарбия жараёни катта авлод томонидан ўз билим ва тажрибаларини ўсиб келаётган авлодга ўргатишдан иборат бўлиб, бу жараёнда, асосан, инсон ҳаёти учун зарур ахборотларни авлоддан – авлодга ўзатиш йўлида амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, сивилизасия тушунчасига берилган таърифлардан бири қуйидагича:

«Сивилизасия – ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда атроф – муҳит ва ўзи ҳақида ахборот яратиш учун энг кўп маълумот олишга қодир бўлган модданинг юқори турғун ҳолатидир».

Бу таърифдан ахборотни авлоддан – авлодга ўзатишнинг, яъни таълим – тарбия ишининг аҳамияти қанчалик муҳим эканлиги кўриниб турибди, яъни, таълим – тарбия сивилизасиянинг мавжудлик шарти ҳисобланади.

Ахборотларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини аниқлашга қизиқиш ортиши табиий. Бу ҳақдаги таърифлардан бири қуйидагича: « Ахборот - бу сезги аъзоларимизни ташқи оламга мослаштиришимиз жараёнида биз ундан оладиган мазмун белгиси ». Бу таъриф тирик организмнинг ташқи муҳитдаги ахборотни идрок қилишга доир хусусий ҳолга тегишли.

Ушбу айтилганлар асосида педагогик технологиянинг қуйидаги энг қисқа ва умумлаштирилган таърифни келтиришимиз мумкин: «Педагогик технология – баркамол инсонни шакллантириш фаолияти». Шу билан бирга, педагогик технологиянинг кенг қўлламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг қуйидаги яна бир нечта таърифларини келтиришимиз мумкин:

Педагогик технология ахборотларини ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно – мазмунларни ҳамда ахборотлар орасидаги турли боғлиқликларни очиш орқали, янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология – бу ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қуювчи, бутун ўқитиш ва билимларини ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Демак, педагогик технология инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат, шунингдек, ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида» ги қонунига кўра, 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув предметлари қатори, жумладан, мусиқа предмети бўйича ҳам ўқитиш концепсияси ишлаб чиқилди.

Мусиқа маданияти ўқув предмети ўқувчиларнинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга. мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади.

Мусиқа маданияти ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари, жумладан, адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан боғланади. Барча ўқув фанлари қатори, мусиқий таълимда ҳам ДТС ларнинг жорий этилиши, миллий мусиқий мерослардан тўлақонли

фойдаланиш имконини беради. Булар амалий халқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, достон. шашмақом ва бугунги замонавий мусиқада ўз аксини топди. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда, уларнинг баркамол бўлиб етишларида ўзига хос ва такрорланмас манбаа бўлиб хизмат қилади.

Азалдан Шарқ, жумладан. ўзбек мусиқий таълим – тарбияси педагогикаси ва унинг мукаммал устоз ва шогирд анъаналари мисолида такомиллашиб борган, Давлат таълим стандартларида, оммавий халқ мусиқа педагогикаси, профессионал мусиқа ижодкорлари, мусиқа ижрочилари (созанда, хонандалар) катта ашулачилар, мақомчилар, достончилар асарларининг элементар асосларини ўрганиш меъёролаштирилган.

Мусиқа таълимида Давлат таълим стандартлари асосида янги таълим мазмуни, ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик. хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, уларда ижодкорлик. мустақиллик, ташаббускорлик, бадиий ва мусиқий дид каби хислатларни ривожлантиришни таъминлайди.

Мусиқа маданияти таълимининг янги мазмуни, ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий, мусиқа бойлигини идрок эта оладиган, маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутди.

Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари. оммавий мусиқа фаолиятлари: мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади Шунингдек, ўқувчилар мусиқий иқтидорни ривожлантириш, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш. мусиқа санъатига қизиқувчи ўқувчилар учун зарурий шарт – шароитлар яратиб бериш, уларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш, мусиқа таълим – тарбиясининг асосий вазифасини ташкил этади. Шу билан бир қаторда жаҳон халқларининг умуминсоний, мусиқий қадриятларини ҳам чуқур ўрганиш ёш авлодни халқаро нуфўзга мойиллик бўлган маданий дурдоналардан баҳраманд бўлишни таъминлайди.

Жамият тараққиёти ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверади, бу албатта табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти ўқитувчиси ўқувчиларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятларини шакллантириши, миллий ғурури ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини, ижодий маҳоратнинг, нафосатда, бадиий дидни ўстириши, фикр доирасини кенгайтиришини, мустақиллик ва ташаббускорликни мунтазам равишда шакллантириб бориши лозимдир.

Биз биламизки « Педагогика » таълим – тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини ва унинг қонуниятларини

очиb бериши ҳамда шу орқали инсон манфаатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутати.

Муסיқа маданияти ўқитувчисининг педагогик маҳоратларидан энг аввал биринчиси таълим – тарбия соҳасида ортирилган тажрибаларни пухта ўрганиши лозим. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради. Илғор педагог мураббийлар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибаларни ўрганиш жараёнидаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки ҳамда амалий ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан унумли фойдаланилади.

Масалан: Кузатиш ўрганиши лозим бўлган педагогик ҳодисаларни маълум бир мақсадга қаратилганлиги ҳамда ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги ёки ўрганиши керак бўлган ўқув жараёни таъсуротларини ўз баённомасида кўзатиб боради. Бу кузатиш жараёни аниқ режа асосида олиб борилади.

Сўхбат методи эса факт – далиллар тўплаш ёки кузатиш давомида тўпланган маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида олиб борилади. Сўхбат мустақил ҳамда ёрдамчи услуб сифатида қўлланилади.

Анкеталаштириш – материал тўплаш мақсадида амалга ошириб борилади. Маҳоратли ўқитувчи барча керакли мактаб ҳужжатларни ўрганиши лозим. Бунга ўқитувчиларнинг шахсий варақалари, услубчининг иш дафтарлари, кундаликлар, мажлис баённомалари ва назорат ишларидан хабардор бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, дарсдан ташқари муסיкий тугарак ишларини олиб боради.

Мактаблар фаолиятининг ҳозирги назарияси ва амалиётида ўқув тарбия жараёнини янги йўллари амалга ошириш ва уни олиб боришнинг кўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини кўшади. Лекин кўп янги технологияларнинг мақсади, мазмуни, қўлланиладиган услублари ва воситалари кўп ўхшашликларга эга. Уларнинг шу умумий белгиларига кўра тасниф қилинади:

- қўлланиш даражасига кўра,
- фалсафий асоси бўйича,
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича
- ўзлаштириш концепсияси бўйича,
- шахсий белги сифатларига кўра юналганлиги бўйича,
- мазмун хусусиятлари бўйича,
- бошқарув тури бўйича,
- ўқувчига ёндошуви бўйича,
- кўп қўлланиладиган услублар бўйича,
- таълим оловчилар тоифалари бўйича.

Юқоридаги тасниф асосида мисол сифатида ҳозирги анъанавий

мактаб таълимини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра – умумпедагогик ,
- фалсафий асоси бўйича – мажбурлаш (умумий мажбурий таълим)
- асосий ривожлантириш омили бўйича – асосий эътибор жамиятиинг

фаол аъзолари бўлган баркамол инсонларни тарбиялашга, шу қаторда

шахснинг ҳар томонлама ривожланишига эътибор қаратилган,

- ўзлаштириш концепсияси бўйича – асоссиатив – рефлелктор бўлиб,

сугтестия (намуна, мисол, ўрналк, ибрат кўрсатиш) га таянган ҳолда,

- шахсий белги сифатларига кўра йўналганлиги бўйича – ахборотли, яъни

билим, малака - кўникмаларини шакллантириш ва муштаҳкамлашга,

- мазмун хусусиятлари бўйича – дунёвий, технокралик, умумтаълим

мазмунида бўлиб, таълим – тарбия жараёнида ташкил қилиш ва олиб

боришда дидактикага марказий ўрин берилади,

- бошқарув тури бўйича – анъанавий – мумтоз (классик) услуб, бўлиб,

унга таълимни техника воситалари қўшилган.

- болага ёндошуви бўйича – авторитатор .

- кўп қўлланиладиган методлари бўйича – тушунтириш

иллюстрсиялаш,

- таълим олувчилар тоифалари бўйича – омлавий .

Шу билан бир вақтда, жамиятнинг ривожланиши алоҳида ўрин тутати.

Жаҳоннинг кўп мамлакатларида инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологиялар яратилди. Булар ҳам юқорида айтилган белгиларга кўра қуйидагича тасниф қилиниши мумкин: ҳамкорлик педагогикаси, «ўйин технологиялари», муаммоли таълим, дастурлаштирилган таълим, гуруҳли технологиялар ва бошқалар.

Назорат учун саволлар

1. Педагогик технология тушунчаси қачон пайдо бўлди? Уни ривожлантириш босқичларини айтинг.
2. Педагогик технологиянинг таърифларини айтинг.
3. Мусиқа маданияти предмети, унинг аҳамияти ва янги авлодни тарбиялаб, баркамол иисон бўлиб етиштиришдаги ўрни
4. Мусиқа маданияти ўқитувчисининг педагогик маҳорати нимада?
5. Педагогик технологияларни қайси белгиларига кўра тасниф қилиш мумкин?

Фойдаланиладиган адабиётлар :

1. Кадрлар Тайёрлаш миллий дастури.
2. Умумий ўрта таълим ДТС.
3. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А Педагогик технология асослари.
4. Педагогика

4 – Мавзу: Мусиқий таълимда педагогик маҳорат, педагогик такт ва педагогик техника

Режа

1. Педагогик техника тизими.
2. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари
3. Педагогик фаолият ва педагогик ижодкорлик.
4. Тарбия санъати.
- 5 . Хулоса

Таянч иборалар:

1. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини , педагогик маҳоратга тайёрлаш.
2. Талабаларни янги педагогик технологияларни қўллашга ўргатиш
3. Таълим усуллардан фойдаланишни шакллантириш
4. Мусиқий педагогик маҳорат фанини ўрганиш тури
5. Педагогик маҳорат, педагогик такт ҳақида.
6. Янги педагогик технология таснифи.
7. Давлат таълим стандартлари ва дастурлари тубдан янгиланиши

Педагогик техника, педагогик такт

Педагогик техника тизими. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари (нутқ, савод, билимдонлик, маданият фикрни баён қилиш, ҳис – туйғуларини ифодалаш, ўз ҳатти – ҳаракатларини назорат қилиш, жест, мимика, таъсирчан воситалардан фойдаланиш). Педагогик фаолият ва педагогик ижодкорлик. Тарбия санъати. Ўқитувчининг ўз ҳиссий ҳолатларини бошқариш малакалари. Педагогик санъаткорлик ва актёрлик малакалари. Педагогик одоб ва этика малакалари. Педагогик техникани эгаллаш йўллари. Педагогик такт (одоб) тушунчаси. Дарс жараёнида педагогик одоб. Одоб ва тактика. Педагогик одобни эгаллаш шартлари. Ўқитувчининг коммуникатив малакасини ривожлантириш. Бошловчи ўқитувчи, малакасизлик ва типик педагогик ҳатолар.

Техника – усуллар йиғиндиси. Уларнинг воситаси нутқ ва муамаланинг новербал воситалари ҳисобланади. Педагогик техника тушунчасига икки хил гуруппа компонентлари киради.

Биринчи гуруппа компонентлари ўқитувчи ўзининг нутқини бошқариши билан боғлиқ: эмосияни (ҳис – туйғуни), кайфиятни бошқариш (психик нагрузка – ижодий кайфият), ўз танасини бошқариш (мимика, пантомима). Ижтимоий, портсептив қобилиятлар, эътибор, кузатувчанлик, диққат, нутқ темпи.

Иккинчи гуруппа компонентлари шахс ва жамоага таъсир этиш билан боғлиқ бўлиб, дидактик ва тарбиявий жараёнлар технологик томонларини очишга ёрдам беради. Дидактик ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, кўникмаларини кўрсатиш билан боғлиқ, талаб этишининг технологик усуллари, педагогик муаммолар бошқариш жамоат ижодий ишларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ кўникмаларни эгаллашда намоён бўлади.

Айрим тадқиқотчи педагогларнинг олиб борган изланишлари янги иш бошлаётган ўқитувчиларда учрайдиган типик ҳолатларни очиб беради. Аввало, бундай ҳатолар янги иш бошлаётган ўқитувчиларда, болалар, уларнинг ота – оналари билан сўхбатда аччиғи чиққанини билдириш ёки билдирмаслик, ўзини қай вақтда босиқ тутишни билмаслик билан ҳаракатланади.

Педагогик амалиёт даврида ёзган кундаликларида, бевосита сўхбат давомида, талаба ўзининг нутқи яхши эмаслигини болалар билан мулоқатда ортиқча қаттиққўллик ёки ортиқча юмшоқлик қилгани, тез гапириб юбораётганини, ўз – ўзидан қўрқиш, ўринсиз доска олдида туриб қолиш, юриш, ўтириш, туриш миъёрини, қўллари оғирлашиб, уни қаерга қўйишини билмаслигини айтишиб, бу борада маслаҳат беришини сўрайдилар. Талаба гавдвсини, қўл ҳаракатларини, бошини тутишидаги номувофиқлик уни бартараф этиш юзасидан нималар қилиш кераклигини билгиси келади.

Овозини бошқаришдаги монотоник, нутқнинг ҳиссиз, маъносизлиги каби камчиликлар айтиб ўтилади. Бу каби камчиликлар

ўқитувчининг ўқувчига самарали таъсир кўрсатишига халақит беради. Булғуси ўқитувчининг ўзини бошқаришдаги бу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш педагогик мутахассислар тайёрлаш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

2. Педагогнинг ташқи қиёфаси.

Имосионал ҳолатларни бошқариш. Қуйидаги саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг.

1. Сиз доимо хотиржам ва ўзингизни босиқ тута оласизми?
2. Кайфиятингиз?
3. Уйда ва мактабда доимо эътиборли ва ҳозиржавобмисиз?
4. Ҳис – туйғуларингизни бошқара оласизми?
5. Ўртоқларингиз ва яқинларингиз билан доимо ҳам эътиборли ва самимиймисиз?
6. Материални онгли ўзлаштира оласизми?
7. Ёмон ва беъмани одатларингиз борми ва улардан қутилишни хоҳлайсизми?
8. Қайси ҳолатларда ўз хулқингиз, ҳатти – ҳаракатингиздан норози бўлгансиз?

Агар сиз барча саволларга фақат «Ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, бу сизнинг ўта хотиржамлигингиздан, ўзингизни бошқара олишингиздан, ортиқча ташвиш йўқлигидан ёки ўзингизга ортиқча баҳо бериб юборганингиздан деб ҳисобласа бўлади. Агар жавоблар салбий бўлса, у ҳолда ташвишли ишончсизликдан, ўзингиздан қониқмаслик, ўз – ўзингизга танқидий қараётганингиздан далолат беради. Агар «Ҳа» ва «Йўқ» жавоблар аралаш бўлса, у ҳолда ўзингизга танқидий қараётганингизни, камчиликларингизни кўра олишингиздан далолат беради. Буни ўзингизни тарбиялашда дастлабки қадам деб ҳисоблаш мумкин. Ўз – ўзингизни бошқариш усулларида энг муҳимлари:

а) Самимийлик ва келажакка ишонч;

Таъсир миёри турли тарбиявий воситалардан фойдаланишда ҳам кўринади. Доришуносликда миёрий ўлчамларни аниқ белгилаш қанчалик зарур бўлса, ўқитувчинин сўзи, унинг фойдаланаётган методлари ҳам энг қулай, мажбурий бўлмай, усталик билан фойдаланишни тақозо этади.

Ортиқчалик тескари натижа бериши ҳам мумкин, ортиқча талабчанлик – кулоқ солмаслик ортиқча юмшоқлик – қўполликка олиб келади. Ўқитувчи маданий муомаласи тактнинг турли кўринишларида намоён бўлади: дарсда, синфдан ташқари ишларда, бўш вақтларда.

б) Ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан зиддиятларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ўқитувчининг тактсизлиги, қўполлиги, кўпинча тарбияланувчининг ташқи кўриниши, ақли, қобиляти билан боғлиқдир. Баъзан ўқитувчилар қуйидагича танбеҳларни нормал ҳол деб биладилар.

Масалан: «Нимага ҳадеб қимирлайверасан, худи ичингда ари бордек?», ёки дарс вақтида йигит ёки қизларнинг бошқачароқ кийиниб келганини аччиқланиб гапиради.

Такт ўқитувчи учун дарснинг барча босқичларида зарур. Айниқса, ўқувчилар билимларини текшириш ва баҳолаш вақтида ўқитувчи ўзининг хулқига эътибор бериши керак. Бу ўринда такт, аввало, ўқувчи жавобини эшитишда намоён бўлиши зарур. Жавобларнинг мазмуни ва шаклида ўта эътибор ва қизиқиш билан қулоқ солиш, маълум қийинчилик юзага келганда эса педагог ўзини тута билмоғи лозим.

Ҳамма ўқувчилар қайси ўқитувчи яхши бўлса, одоб билан эътибор бериб эшитса, ушанга жавоб беришни хоҳлайди. Бу ҳолатларда табассум, қарашлар, мимика, бош қимирлатиш билан жавобларни қувватлаб туриш, йўл – йўлакай изоҳ бериш жуда муҳимдир.

Ўсмир ёшидагилар бефарқ қулоқ соладиган ўқитувчилар жавоб беришга ҳалақит беради, дейишса, унинг ўнинчи синф ўқувчилари эса танбеҳ берувчи, изтехзо билан қараб, минсимаё баҳоловчи ўқитувчилар уларнинг жавоб беришларини ҳалақит беришларини айтадилар.

Ўқувчи билимларини баҳолашда қўйилган баҳоларни изоҳлаш, таҳлил этиш, қийёслаш каби усулларда самимий ва обектив тарзда амалга оширилса, унинг натижаси юқори бўлади.

в) Педагогик такт ўқитувчи хулқининг ихчам ва сермаъно касб этишини, яъни тактик йўлни ҳам ҳисобга олади. Одатда ўқитувчи болалар олдида турли ролларда, кўринишларда чиқади ва у турли оҳанг, турли кўринишлар билан, тактик усуллар орқали таъсир кўрсатишни талаб этади.

Дарсда агар болалар машғулотларга тайёрланмай келишса, аниқлик, қатъийлик, корректик, қуруқроқ расмий оҳангда муомала қилиш зарур. Синфдан ташқари ўтказиладиган сўҳбатлар, саёҳатлар, экскурсия вақтида эркин фикрлилик, меҳрибонлик, кўнгил очиклик зарур бўлса, ҳаракатли ўйинлар вақтида дўстона муомала керак бўлади. Шунинг учун муомаланинг турли шакллари яъни: йиғилишлар, мунозара, бўш вақт ўқитувчидаги муомалада ўзига хосликни талаб этади. Педагогик такт маҳорат билан бирга тарбияланади ва эгалланади. У ўқитувчининг маънавий етуклик даражаси ва махсус билимларни эгаллаш бўйича ҳамда болалар билан муомала кўникмаларини шакллантириши юзасидан ўз устида катта ишлар қилиш натижасидир.

9) Педагогик тактни эгаллаш шартлари:

а) Ўқувчиларга таъсир этиш усулларини билиш;

б) Болаларни севиш ва уни амалда кўрсата олиш;

в) Болалар хулқининг ички ҳаракат механизминини кузатиш ва кўра билиш;

г) Маълум ҳолатларни тез баҳолай олиш;

д) Таъсир этишнинг мақсадга мувофиқлик усуллари танлаш. (Бу ерда кўпроқ айланма усулини қўллаш: «Яна ўзинг биласану, лекин мана буни таклиф этган бўлар эдим»).

5 – Мавзу: Мусиқий таълимда педагогик маҳорат компонентлари

Режа

1. Педагогик маҳоратнинг зарурияти ва моҳияти.
2. Ўқитувчилик фаолияти ва ҳосиласи.
3. Ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни, мақсади бурчи ва вазифалари.
4. Комил инсон тушунчаси ва уни тарбиялаш.
5. Масъулиятлилиқ ўз касби ва болаларни севиш.
6. Хулоса

Таянч иборалар

1. Ўз касби ва болаларга муҳаббати педагогик моҳирликка эришиш омили сифатида.
2. Педагогик маҳорат компонентлари (касбий билимлар, касбий қобилият, педагогика, этика ва педагогик техника).

Моҳир ўқитувчи бўлишда психология, педагогика фанларининг ўрни. Педагогик маҳорат компонентлари: билиш қобилияти, тўғри муомила қилиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш қобилияти. Ўқитувчида қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик сифатлари.

Мусиқий таълим жараёнига таъсир кўрсатиш

Педагогик таъсир кўрсатиш методикаси, таъсир кўрсатиш воситалари, педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари. Талаб ва педагогик талаб. Талаб ва педагогик таъсир этиш воситаси сифатида. Истикбол – таъсир кўрсатиш усули сифатида. Ўқувчиларни илҳомлантириш ва мароқли мақсадлар қўйиш. Рағбатлантириш ва жазолаш тарбиянинг анъанавий усуллари сифатида. Бу усулларнинг ўзига хос хусусиятлари. Рағбарлантириш ва унинг турлари. Жиҳозлаш ва унинг турлари. Рағбатлантириш ва жазолашда эҳтиёткорлик, сезгирлик, хушмуомилалик.

Жамоатчилиқ фикри педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида. Бу усулнинг бошқа усуллардан фарқи, ўзига хослиги ва қудрати.

А.С.Макаренконинг педагогик таъсир кўрсатиш методикасини яратишдаги улкан ҳиссаси. Педагогик таъсир кўрсатиш қоидалари (муносабатларнинг инсонпарварлиги, шарт – шароитни назарда тутиш, болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, педагогик вазиятни билиш ва ҳисобга олиш). Педагогик таъсир этишда қаттиққўллик ва тошбағирлик.

Мусиқий педагогик маҳоратнинг шаклланишидаги омиллар

Моҳир ўқитувчи бўлиш, аввало, ўқитиш тизимига боғлиқ бўлиш билан бирга, ўқиётган инсоннинг ҳам ҳаракатига боғлиқдир. Шунинг учун Олий таълим тизимида ўқитиш жараёни, бўлғуси ўқитувчи учун ўқиш жараёнини қуриш ва аниқлаб етишга ёрдам беради. Аввало, олий ўқув юрти талабани ўқитиш жараёнида юқори касбий маҳоратга эришувини таъминлашга асосий эътиборни қаратиши керак. Педагогик маҳоратни ривожлантириш, ўқитувчилар тайёрлашни координасия қилувчи асосидир. Шуларнинг диққат марказида эса психологик – педагогик фанлар туради.

«Мусиқий таълимда педагогик маҳорат асослари» (МЎИТ) курси психология – педагогика ва педагогика тарихи фанларини ўрганиш, талабага касбий тайёргарликни шакллантиришнинг мантиқий тўғрисидаги тасаввурни бериши зарур.

«Мусиқий таълимда педагогик маҳорат асослари» (МЎИТ) курсидаги бугун бир нечта машғулотлар тизими қимматли касбий йўналишларнинг ривожланишига қаратилган бўлиб, «Идеаллар блоки» бўлғуси ўқитувчилик касби унинг обрўси тўғрисидаги тасаввурлар ҳосил қилади. (Мен – идеал ўқитувчи). Шунингдек, ўз – ўзини аниқлаб етиш (мен реал ўқитувчи) ва идеалда (Педагогик техника) га яқинлашиш, усуллар билан қуrollанишга қаратилган.

Бу курснинг асосий биринчи босқичи, талабага муомала ва муносабатида ўз педагогик ўрнини эгаллаб боришда ёрдам беради. Иккинчи босқичида, талаба ўқув – тарбия жараёнини бошқаришнинг маҳоратат асосларини эгаллаб боради. Бу курсни ўрганиш, қуйидаги муваффақиятли ҳал этилади.

1. Таълимда яхлит йўналиш принципида, билимлар олдин тажрибада кўриб ўтилган тарзда ўзлаштириб борилади. Машғулот шундай кўриладики, мавзунинг назарий қисми мунозара жараёнида ўзлаштирилади, схема – конспект тузиш ёки бошқача тизим кўринишида англаб етиш керак бўлади. Кейинчалик олинган билимлар педагогик қобилиятни ривожлантиришга ёрдам берадиган машқларда амалга оширилади. Кейинчалик тушуниб етилган муаммо педагогик машқ (трининг) орқали англаб етилади ва билимларнинг кўникмага

айлантиришга ёрдам берадиган педагогик ҳолатларда моделлаштирилади.

2. Фаол коммуникация принци, гуруҳда талаба фаоллигини тезлаштиришга қаратилган топшириқлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Фаолиятнинг акс эттирадиган лавҳаларини намоиш этадиган ролларга бўлинган ўйинлар, мусобақалар, мунозаралар ўтказишдан иборат.

3. Педагогик ҳаракатлар бўлинганлиги (тақсимланганлиги) принципи психофизик ва педагогик машқ (трининг) жараёнида айрим усулларни – тизимли (системали) ўзлаштириш мақсади билан боғлиқ. Энг муҳими, ҳар бир талаба у – ёки бу ўқув йилида ўзлаштириш керак бўлган маълум билим ҳажминини, кўникма тушунчани билиши зарур.

Масалан, курс талабаси, ўзининг ташқи қиёфаси, нутқини, элементар педагогик муомала маданиятини ва ташкилотчилик техникасини ўзлаштириб олиши керак.

4. Машқда боғланганлик принципи педагогик техника ривожланишига йўналтирилган ва кичик дарс муҳитида кўникмаларни ижодий қўллашга қаратилган вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ.

5. Турли нуқтаи назардан ёндашув принципи педагогик маҳорат бўйича машғулотларда мутахассисликларни ҳисобга олиш билан боғлиқ.

6. Билим ва кўникмаларнинг боғлиқлиги принципи Олий ўқув юрти лаборатория шароитида олинган билимлар билан, таянч таълим муассасаларида ўтказилган педагогик амалиёт давомида олинган кўникмаларнинг ўзаро боғлиқлиги: Дарс ва тарбия жараёнларида кузатиш, ўқув ва тарбиявий ишларни мустақил ишлаб чиқиш ва уни ўтказишгача бўлган тизимни йўлга қўйиш билан боғлиқ.

Педагогик маҳоратнинг юзага келтириш университетнинг бутун ҳаётини педагоглаштириш орқалигина мувоффақиятли ҳал этилади. Айниқса, олий ўқув юртида ўтказиладиган педагогик байрамлар, топшириқлар мусобақаси, «меҳрибон кўз» конкурсидаги чиқишларни таҳлил этиш, педагогик ўқишлар, «талабалар, жавоб беринг» кечаси, турли педагоглар билан учрашувларни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

6 – Мавзу: Ўқитувчи фаолиятида нотиклик санъати ва одоби

Режа

1. Нутқнинг физиологик асослари
2. Таълим – тарбия ишларида педагогик нутқ
3. Нутқининг ўзига хос хусусиятлари
4. Хулоса

Таянч иборалар

- 1.Ташқи ва ички нутқ
- 2.Ҳис – туйғуларни ифодаловчи нутқ
- 3.Инсон тафаккури билан боғлиқ бўлган нутқ
- 4.Мулоҳазали нутқ тушунчаси

Инсонлар ҳаётида нутқнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги ҳар бир кишига ҳам маълум, чунки одамлар тил ёрдамида фикр алмашиш, бир – бирларини тушунишдан ташқари, ўз истакларини, ҳис – туйғуларини иродаларини ҳам изҳор этадилар.

Нутқ кишиларнинг бир – бирларига таъсир этишнинг қудратли воситасидир. Сўз инсонни ишонтириши меҳнат ва ғалабага чорлаши, ёмон йўлдан қайтариши, қувонтириши ёки жаҳлини чиқариши ҳатта ўлдириши ҳам мумкин.

Ўқитувчи фаолиятида нутқ жуда муҳим функцияларни бажаради. Ўқитувчилар нутқ орқали билим, ишончга эга бўладилар. Муайян ҳис туйғуларга тушуниб етадилар, ўқитувчининг сўзлари таъсирида болаларга муайян психик просесслар ва психик ҳолатлар вужудга келади, шахсий жиҳатлари шаклланади.

Нутқнинг физиологик асослари И.П.Павлов томонидан тушунтирилиб берилган. Унинг таълимотига асосланиб, сезгиларимиз, идрокимиз ва тасаввурларимизни атрофимиздаги ташқи дунёнинг биринчи сигналлари деб юритамиз, нутқ ва тафаккур эса иккинчи сигнал системасидан иборатдир. Сўз воқеъликдаги нарса ва ҳодисаларни идрок эта билиш ҳамда тасаввур этишдан иборат бўлган бевосита сигналларнинг сигналидир.

Инсондаги икала сигнал системаси биргаликда мавжуддир. Сўз асосида доимо конкрет нарса, ҳодиса, воқеълик ёки умумлашган тушунча тасаввури мавжуд бўлмоғи зарур. Акс ҳолда, нутқ ҳам реал ҳаётни акс эттира олмайди, ҳамда тафаккур ҳам умумлаштириш воситаси бўлиб қолади.

Инсон тафаккури билан боғлиқ бўлган нутқ, иккинчи функцияни бажаради.

Биринчидан, у бошқа одамлар билан алоқа воситаси, бундан ташқари, «ички нутқ» деб аталмиш «сўзлар билан фикр юритамиз».

Ўзгаларга қаратилган нутқ оғзаки ва ёзма равишда бўлиши ҳам мумкин. Нутқнинг бу икала кўриниши бир – бирига узвий боғлиқ бўлиб, буларнинг бирини эгаллаш иккинчисига боғлиқ. Лекин, баъзан шундай ҳам бўладик, оғзаки нутқни яхши ўзлаштира олмаган одам, ўз фикрини ёзма нутқда яхши баён этиши ва, аксинча, ёзма нутқи яхши ривожланмаган одам, яхши гапира олмаслиги ҳам мумкин.

Ўқитувчи учун нутқнинг икала турини билиш, айниқса, оғзаки нутқни яхши эгаллаши зарур. Нутқ монолаг (ўқитувчида бу маъруза ҳимоя кўринишида бўлади) ва диалогик (бу икки шахснинг ўзаро

сўхбатидан иборат бўлади), турлари билан ҳам бир – биридан фарк қилади.

Педагог бу тажрибасида ташқи нутқнинг иккала туридан ҳам фойдаланади.

Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларга нимани ўргатмоқчилигига қараб турли характерга эга бўлиши мумкин ва бошқа нутқлар каби тизилаверади. Лекин, фақат педагогик нутққагина хос бўлган спесифик белгиларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчининг нутқи, аввало, йўналтирилган ёки, бошқача қилиб айтганда, ундалма нутқдан иборатдир. Бунда гапирилаётган гапни тингловчилар қайси даражада қабул қилаётгани ҳисобга олинади. Ўқитувчи материални турли шаклда баён қилиши мумкин. Масалан: ҳикоя қилиш, маъруза ва сўхбатлар ўтказиш шулар жумласидандир. Лекин, синф ўқувчилари билан доимий алоқада бўлиш зарур.

2. Ҳар бир одам нутқининг ўзига хос хусусиятлари. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга ўқув материални тушунтириши, улар билан сўхбатлар олиб боришига қараб қуйидаги нутқ хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Баъзи ўқитувчиларнинг нутқи жуда таъсирчан бўлади. Бундай ўқитувчилар нутқи ҳис – туйғуга сўғорилган бўлиб, улар ўзлари гапираётган гапларидан ўзлари таъсирланади, ана шундагина ўқувчиларга ҳам муайян кайфиятини юктирадилар.

Ўқитувчининг нутқи муайян мазмуни натижасида болаларнинг ҳис – тйғуларини ўйғотибгина қолмай, балки унинг драмалаштириш, тўғри ифодалаш, сўзларни аниқ, бурро талаффуз этиш туфайли ҳам таъсирчан бўлади.

Бошқа ўқитувчиларда эса, нутқ онгга оҳиста таъсирсиз, ҳам ифодали, қатъий изчилликка риоя қилинган ҳолда, далилий ва мантиқий бўлади. Бунда ўзига хос нутқ билан ҳикоя қилган ўқитувчилар илмий масалаларни қандай ҳал қилиш ва ўқувчиларни бундай ақлий ишларга қандай жалб этишни режалаштирирадилар. Бундай нутқни «дискурсов», яъни мулоҳазали нутқ дейилади.

Ниҳоят яна бир хил ўқитувчилар борки, уларнинг нутқлари эмоссионал ҳамда дискурсов эмас, аммо ўқувчилар уларнинг нутқининг яхши ўзлаштирадилар. Бундай нутқларда зўр ишонч кучи янграйди, гапирилаётган гапга чуқур ишонч пайдо қилувчи кишининг иродаси борлиги сезилиб туради, ўз ўқувчиларида ихтиёрсиз ишонч ҳосил этади.

Ўқитувчи ўз нутқининг мукамал бўлиши учун ҳамоҳанг қилиши ва бундай нутқ унинг ишида ишончли қурол бўлиб хизмат қилиши лозим. Педагогик нутқ қандай талабларга жавоб бериши керак?

3. Таълим – тарбия ишларида педагогик нутқи учун характерли бўлган сифатларни икки группага бўлиш мумкин: нутқнинг турлилигини таъминловчи сифатлар ва таълим бериш, тарбиялаш воситаси уни амалга оширувчи сифатдир. Биринчи гуруҳдаги педагогик

нутқ сифатида нутқ лексияси, услуб фонетикаси, талаффуз этилиши, сўзлардаги урғу жумлаларнинг бенуқсон бўлиши, шевачилик, нутқни бурувчи ортиқча сўзларни ишлатмаслик киради. Ҳар бир ўқитувчининг нутқи ҳудди шундай бўлиши лозим.

Аммо нутқи нотўғри бўлган ўқитувчилар ҳам учраб туради. Бу камчиликлар кўпинча билимсизликдан эмас, балки, эҳтиётсизлик, баъзан мактабда дарс бераётганда ўз нутқи устидан етарли даражада назорат қилмасдан ва мактабдан ташқари жойда маданияти камроқ кишилар орасида уларга ихтиёрсини тақлид қилиши туфайли содир бўлади.

Турли одатлар нутқ сифатида таъсир қилади, шунинг учун ҳам бошқаларга қараганда, ўқитувчи кўпроқ ўзини, айниқса яшаб турган ерида гап орасида нотўғри сўз, жумлалар ишлатилганда ўзининг нутқини ҳам кузатиб бориши лозим.

Тўғри (грамматика қоидаларига мувофиқ) гапириш мумкин, бироқ, шундай бўлса ҳам, нутқ чиройли чиқмайди, «ғализ» бўлади. Силлиқ, равон, тўхтамай ва кераксиз тўхталишсиз гапирилган гапни, керакли сўзларни тез-топа билганлар гапини эшитиш ёқимли.

Зарур ибораларни тез танлай олиш, сўз захирасига, фикрлаш жараёнининг тезлигига, гапириладиган материални яхши билишга, тўғрилиққа, кишининг шу ҳақда фикр юритиш сабабларига боғлиқдир.

Ўз нутқини қулай ва тўғри туза билишда бадий адабиётни ўқиб туриш айниқса катта аҳамиятга эга. Китоб ўқиганда кишидаги луғат бойлиги кўпаяди, фикрнинг образлилиги ортади, нутқ равшан, чиройли ва одобли бўлади ҳамда грамматик жиҳатдан яхшиланади.

Тингловчиларга тегишли таъсир кўрсатадиган педагогик хусусиятлар (иккинчи группа) нутқ сифатига тааллуқлидир. Бунга даст аввал нутқнинг мазмундорлиги, шунингдек, унинг равшан, енгил бўлиши, ўқув материални тушунарли қилиб бериши киради. Бир хил илмий қоида икки ўқувчи бошқа – бошқа баён этиши мумкин. Бирини айтганини ўқувчилар енгил ва тез англаб оладилар, иккинчисиники эса улар учун тушунарли бўлмайди.

Бу ерда баён қилиш бир текис сисемада бўлиши, материални изчиллик билан тушунтириши, яъни, олдинги ўқитилган материалга асосланиши, янгисини материал асосида ўқиши, қийинчиликларни аста – секин тугата бориши ҳам катта аҳамиятга эга.

Нутқда мураккаб жумлалар ва нотаниш қийин терминлар бўлмасада, у равшан ҳамда тушунарли бўлади. Қисқа жумлалар баён этиладиган мураккаб материалларни тез тушуниб қолишга ёрдам беради.

Ўқувчи нутқнинг сода бўлиши уни тор мазмунга айлантириб юбормаслиги керак. Унинг сунъий мураккаблашиб кетишидан, сохта билимга айланиб кетишидан қочиш лозим. Номзодлик диссертациясини

ёклаб, синфда «олим» лик иборалари билан иш бошлаган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо нутқ турларидан энг ёмони панд – насиҳат усули ҳисобланади, айниқса, буни ўқувчилар ва ўсмирлар ёқтирмайди. Холбуки кўпчилик ўқитувчилар педагогик ишдан насиҳат жуда зарур, деб ҳисоблайдилар. Бундай педагоглар панд – насиҳатларнинг болага ҳеч қандай яхши фикр, унинг ақли ва ҳиссиётига ҳеч қандай озуқа бермаслигини унутиб қўядилар.

4. Ўқитувчи, албатта, болаларни қойийди, баъзан эса хайфсан ҳам беради. Бироқ насиҳатгўйлик қилиш, яъни ўзини узоқ ва жонга тегадиган панд – насиҳатлар қилишдан қочиш лозим.

Шу ўринда нотикларга берилган қуйидаги насиҳатларни келтириб ўтиш мумкин.

1. Маърузага пухта тайёргарлик қўриш керак.

Маърузага бевосита тааллуқли ёки бошқа муҳим ва қизиқарли материалларни тўплаш лозим.

2. Овозни фикрга боғлаб ўзгартириш, уни кўтариш ва пасайтириш лозим бўлади. Бундай овоз диққатли тўғриборни ўзига тортади. Оғзаки нутқнинг айрим қисмлари орасида «пауза» қисмининг ҳам аҳамиятини унутмаслик керак.

3. Гапираётганда қўл – гавдани ҳаракатлантириш нутқни жонлантиради,

бирок бундан эҳтиётлик билан фойдаланиш лозим.

4. Маърузачидан саботли бўлиш ва ҳар қандай ноқулай шароитда ҳам ўзини тута билиш талаб қилинади.

5. Нутқ шакли – оддий, тушунарли бўлиш, кўргазмали таққослаш, ўхшатиш, ифодалаш, эпитетлардан фойдаланиш яхши таъсир этади.

6. Марузанинг мазмуни аудиторияга мос бўлмоғи лозим.

7. Нутқ охирида хулоса қилиш, яъни, унинг муқаддимаси билан боғлаш лозим бўлади.

Педагог нутқи ҳақида гапирганда, шуни қайд қилиш керакки, у ички нутқнинг тараққий этиши билан такомиллашади. Жумладан, оғзаки талаффузни шакллантиришдан олдин, одатда, мияда яхши пишитиб олиш зарур. Талаффуз этишдан олдин шу онда зарур бўлган сўзларни мияда танлаш жараёни ҳам юз беради.

Шундай қилиб, педагогик нутқ масаласи ўқувчилар билан гаплаша билиш ҳамда ўқитувчининг ўз – ўзини тайёрлашда энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг натижасида ўқувчиларда зарур ҳис – туйғу ҳосил қилади ваз у билан бирга, уларга зарур тарбиявий таъсир кўрсатиб, жонла фикр ўйғотади ҳамда эмоссионал ўлчовда, ишонарли ҳамда тушунарли, ёрқин гапиришни шакллантиради.

